

# ЭШИТИШДА НУҚСОНИ БОР ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ШАКЛЛАРИ

*Азимова Дилноза Шерзодовна*

*Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада эшитишида нуқсони бор ўқувчиларниң китобхонлик компетенциясини ривожлантириш шаклларининг бир неча турлари тавсия этилган бўлиб. Ушбу китобхонлик компетенция шакллари орқали маҳсус мактаб ўқувчиларининг маънавий дунёсини бойитиш, уларниң камолоти учун муҳим аҳамият қасб этиши батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар :** Китобхонлик компетенциялари, маҳсус мактаб ўқувчилари, бутрейлер, сурдобуктрейлер, QR код, слайд-фильм, библиографик шарх, китоб ярмаркаси, “Брейн-ринг”, дактил ўқиши техникаси.

Китобхонлик компетенциясини шакллантириш ҳамда ривожлантириш эшитишида нуқсони бор ўқувчиларниң мустақил равишида китоб танлаш ва китобдан ўзига керакли билимни олиш йўлларини, ўқилган нарсалари устида фикр юритиш ва унга танқидий қарашни, шу билан бирга китобларни тартибли равишида ўқишини ўргатади. Маҳсус мактаб кутубхоначиси кутубхонадаги энг яхши китобларни тавсия этиши билан ушбу мактаб ўқувчиларини хар томонлама ўсишига, камол топишига ва кейинчалик уларниң ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига ёрдам беради[1].

Шу мақсадда эшитишида нуқсони бор ўқувчиларининг китобхонлик компетенциясини ривожлантиришниң қуидаги шакллари яхши натижада беради:

- *QR кодли имо-ишиора тилида библиографик шарх;* -  
**“Сурдобуктрейлер” Слайд – фильмлар намойишлари;**

Махсус таълим муассасаларида дарс ва машғулотларни дефектологик маълумотга эга мутахассислар олиб борадилар. Ўз ўрнида ушбу умумтаълим мактабларига бириктирилган кутубхона ходимлари фаолиятига ҳам қатор ўзига хос вазифалар қўйилади. Бу вазифалар заиф эшигувчи китобхонлар билан ишлашнинг интерфаол ва ўзига хос йўналишда ташкил этилиши билан тавсифланади.

Кутубхона тизимида китобхонлик тарғиботининг ўзига хос усуллари, малакали мутахассислар тайёрлашни юқори ва жаҳон талаблари даражасига мос равишда амалга ошириш мақсад ва вазифалари белгиланди.

**Буктрейлер ва Сурдобуктрейлер.** Сўнгги пайтларда адабиётни тарғиб қилишнинг янги усуллари орасида Буктрейлер вақт ўтиши билан фаоллашиб бормоқда. Қисқа китоб асосида видео. Буктрейлер - бу видео рекламага ўхшашиб усуллардан фойдаланадиган китобнинг рекламаси бошқача айтганда у ёки бу китоб ҳақида қисқа метражли видеофильм.

Унинг асосий вазифаси китоб ҳақида ўкувчини эътиборини тортувчи, қизиқарли ҳикоя қилиб бериш. Буктрейлер яратишда китобга тегишли турли видео тасмалардан, иллюстрациялар ҳамда фотосуратлардан фойдаланиш мумкин[4].

### ***Буктрейлер яратишнинг асосий босқичлари:***

**1. Тарғиб қилинувчи китобни танлаш.** Китоб танлашда мотивацияни оширишда турли хил адабиётлар бўлиши мумкин. Бу янги нашрдаги китоблар ёки юбилей китобларини тарғиб қилиш, тарихий муҳим саналар ва воқеаларга бағищланган буктрейлерлар.

**2. Буктрейлер учун сценарий яратиш.** Бирор сюжет тасаввур этиб уни матнини ёзиш. Сюжет буктрейлер яъни-видеоклипнинг асосидир. Буктрейлер сценарийси қанчалик қизиқарли бўлса, ўкувчилар шунчалик тасвиirlанган китобга интиладилар. Буктрейлер сценарийси китобни энг қизиқ қисмларини тасвиirlаб қолганини мутолаа жараёнида билиб олиш

мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Шунинг учун, скрипт матнини ёзиш учун мулоҳаза билан ёндашиш керак. Видеоклип узоқ бўлмаслиги, 3 дақиқадан ошмаслиги керак. Бу томошабин эътиборини жалб қилиш учун энг мақбул вақт ҳисобланади.

**3. Видео кетма-кетлиги учун материаллар танлаш.** Буктрейлер учун керакли расмларни танлаб, китоб расмларини сканерлаб видеони тасвирга олинади. Яна бир йўли интернетдаги мавзу бўйича видео танласа ҳам бўлади. (бунда муаллифлик ҳуқуқини унутмаслик муҳим).

**4. Видеони таҳрирлаш - якуний босқич** (кесиш/ бир нечта видео фрагментларини ёпитириш, аудио трек қўшиш, видео хажмини, субтитрларни ўзгартириш ва ҳоказо.

Тайёр видео тасма учун алоҳида имо-ишора нутқида изоҳ берувчи сурдотаржимон қўшилса бу – **сурдобуктрейлерга** айланади. Яна бир қўриниши буктрейлерга ёзувчи субтитр қўшиш ҳам мумкин.

«Эшитишда нуқсони бор ўқувчилар учун китобхонлик тарғиботининг интерактив методи: сурдобуктрейлер юкланган QR кодли китоблар» лойиҳаси заиф эшитувчи ёшларни айнан таълим жараёнига, аниқ қилиб айтсак уларнинг нутқини, саводхонлигини ривожлантириш учун қаратилган шакллардан биридир.

Бунда кутубхона фондидағи китобларга библиографик шарх видеоролиги сурдотаржимон ёрдамида тайёрланиб мазкур видеоролик учун QR код яратилади ҳамда ушбу QR код тегишли китобга ёпиширилади. ЭНБ бола китоб нима ҳақида эканлигини билиш учун китобдаги QR кодни сканер қиласа телефонидан китобга доир библиографик шарх ёки “Сурдобуктрейлер” телефонига юкланади.

**- Китобхонлар учун маҳсус китоблар ярмаркаларини ташкил этиши;**

Кутубхоначи ва маҳсус мактаб ўқитувчилари заиф эшитувчи китобхонлар учун китоблар кўргазмаси ёки ярмаркаларни ташкил этишда қуидаги қоидаларга риоя этиш муҳимдир.

- Кўргазмада китобларни танлашда мактабдаги дарслик ўқиш билан тематик ва жанр алоқасини сақлаб туриш керак. Бу ўқиш тўгарагини тизимли равиша бойитиш ва маълум бир таълим даражасидаги ўқув вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради.

- Ўқиш учун китоблар нафақат ёшга, балки ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш даражасига ҳам мос келиши муҳимдир. Соғлом китобхон учун мўлжалланган ҳар бир китоб, ўша ёшдаги заиф эшитувчи китобхонга мутолаа қилиш учун осон ва қизиқарли эмас.

- Китобнинг нафақат мавзуси, мазмуни, балки китобнинг ҳажми, дизайнни ҳам муҳимдир. Иллюстрациялар мавжудлиги болаларнинг китобга мурожаат қилишлари учун биринчи туртки ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда ранг-баранг тасвирланган расмли китоблар, расмлар остида қисқача изоҳли экранли китоблар керак бўлади[1].

**- «Кутубхона – чексиз имкониятлар худуди» услугбий-қўлланма:**

Имконияти чекланган эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларнинг бўш вақтини, маънавий-ахборот, когнитив, ижтимоий ва экзистенциал эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ишлаб чиқилгандир.

Лойиҳа доирасида кутубхонада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами тақдирига ҳам бефарқ бўлмаган доимий китобхонлар, шунингдек, кутубхона ходимлари орасидан кўнгиллилар клуби ташкил этилади. Ушбу услугбий-ишлилма ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари томонидан ногиронлиги бўлган шахслар билан тадбирларни профессионал даражада тайёрлаш ва ўтказишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Кутубхона ушбу тоифа вакиллари билан доимий иш олиб бориши орқали, уларни маданий ва ижтимоий ҳаётга жалб қиласи. Аммо болалар ўз имкониятларини очиб беришлари, бошқалар каби ҳис қилишлари учун уларга алоҳида шароитлар керак[2].

Кўлланмага кўра заиф эшитувчи ёшлар учун турли махсус тадбирлар орқали кўрсатилаётган кутубхона хизматлари сифатини оширишга қаратилган. Булар, биринчи навбатда, кўриб чиқилаётган аҳоли гуруҳининг хуқуқий ва ахборот саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлардир.

Китобхонлик компетенцияларини шакллантиришда махсус тадбирлар билан бир қаторда имконияти чекланган инсонлар иштирокида доимий тренинглар ўтказишни режалаштириш зарур. Улар орасида мавзули кечалар, маҳорат дарслари, шеърият кечалари, таниқли шахслар билан учрашувлар ва ҳ.к.лар назарда тутилган.

- *ЭНБ ёшлар ўртасида китобхонлик йўналиши бўйича «Заковат», “Брейн-ринг” танловларини ташкил этиши.*

Бунда лойиҳага кўра эшитишда нуқсони бор ўқувчилар ўртасида ёшига, ақл-заковатига мос савол, тестлар олдиндан кутубхона мутахассислари томонидан тайёрланиб мазкур китобхонларни гуруҳларга ажратган холда ташкил этилади. Ғолиб гуруҳларга Фахрий ёрлик ва эсадалик совғалари топширилади[2].

- *Ёзувчи, шоирлар билан учрашув. Китоб, журналлар – тақдимотлари.*

Ёзувчи, шоирлар билан учрашув, китоблар тақдимотлари айнан инклузив жамият вакиллари учун сурдопедагоглар ёрдамида алоҳида ташкил этилади. Мазкур учрашув, тақдимотларга аталган флаер, таклифномалар ЭНБ китобхонлар учун алоҳида тайёрланади.

- *Семинар, тренинг, амалий машғулотлар ҳамда ташкил этиши.*

Эшитишда нуқсони бор ёшларни кутубхона ҳақида билимларини ошириш мақсадида улар учун “Очиқ эшиклар куни”, “Кутубхонага саёҳат” каби амалий машғулотлар ташкил этилади. Унда кутубхона ишлаш тартиби, кутубхонага аъзо бўлиш ҳамда ундан фойдаланиш қоидалари сурдотаржимон ёрдамида батафсил ўргатилади[3].

- Мактаб ёшидаги болаларлар ўртасида “Дактил ўқиши техникаси” га доир тадбирлар ташкил этиши.

Соғлом ўқувчилар ўртасида “Ўқиши техникаси” ташкил этилгани каби эшитишда нұқсони бор болаларда “Дактил ўқиши техникаси”ни кутубхона фондидағи китобларда синаб қўрилади. Яъни заиф эшитувчи китобхон қўли ёрдамида у ёки бу матнни ҳарфларини ифодалаш тезлиги назарда тутилади. Мазкур тадбирни махсус-интернат педагоглари ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтириб ўтилган китобхонлик компетенциясини ривожлантиришдаги шакллар эшитиш ва нутқида нұқсони бўлган шахсларнинг бўш вақтини, маънавий-ахборот, когнитив, ижтимоий ва экзистенциал эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ишлаб чиқилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Китобхонлик ва мутолаа маданиятини ошириш: ижодий, инновацион фаолият ва кадрлар салоҳияти давр талабидир. Каримова X. Central Asia – 2022. Респ.конферен.

2. Библиотека – территория безграничных возможностей [Текст] : методические рекомендации / Сост. М.В. Гребенюк; под ред. Х.К. Каримовой, В.К. Муратовой. – Ташкент, 2021. – 16 с.

3. Шадрина Валентина Никифоровна. Библиографическая культура исследователя и педагогические методы ее формирования : Дис. ... канд. пед. наук : 05.25.03 : Краснодар, 2003 222 с. РГБ ОД, 61:04-13/668

4. Guidelines for Library Services to Deaf People 2nd Edition (Revised edition of Professional Report No. 24) Edited by John Michael Day International Federation of Library Associations and Institutions IFLA Professional Reports, Nr. 62